

2.11. Ижарага олган бинони сотиш ҳада килиш, гаровга қуйиш, қарзи эвазига бериш, тасарруф ва эгалик қилиш ҳуқуқига эга эмас, фақат ижара муддати ичида фойдаланиш ҳуқуқига эга.

2.12. Ижара муддати давомида жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ўз ҳисобидан амалга оширади.

2.13. Ижара муддати давомида коммунал (газ, электр, сув) туловларни ўз ҳисобидан тулаб боради.

2.14. Ижара муддати давомида ва бинони «Ижарага берувчи» га конун талаблари асосида қайтариб топширгунча булган вақт давомида бинодан фойдаланиш, техника ҳафсизлиги, ёнгининг келиб чиқишини олдини олиш ва бошқа қоидаларга тулиқ риоя қилади, буларнинг бузилиши оқибатида келиб чиқадиган барча оқибат ва зарарлар учун «Ижара берувчи» олдида тулиқ жавобгар.

2.15. Хар ойнинг 5-чи санасидан кечиктирмаган холда фойдаланилган календар ой учун ижара ҳақи базавий ҳисоблаш миқдорининг 12 баравари миқдоридаги пулни «Ижарага берувчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб боради.

2.16. Ижара шартномаси муддати тугаганда ёки муддатидан олдин бекор қилинганда «Ижарага олувчи» ижара ҳақини далолатномага асосан топширган кунига қадар тулайди.

2.17. «Ижарага олувчи» шартномани муддатидан олдин бекор қилмоқчи булса, «Ижарага берувчи» ни 2 (икки) ой олдин ёзма равишда огоҳлантиради.

4891861

3. ТОМОНЛАР КЕЛИШУВИ.

3.1. Томонларнинг ўзаро келишувлари асосида ушбу шартноманинг муддати узайтирилиши, қисқартирилиши ёки муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

3.2. Томонлар ўртасида келиб чиққан хар қандай келишмовчиликлар, муаммо ва низолар ушбу шартнома шартлари ҳамда амалдаги Қонунлар талаблари асосида, ўзаро келишув асосида одилонга ҳал қилинади.

3.3. Ўзаро келишув йули билан ҳал қилишликнинг имконияти бўлмаган келишмовчиликлар суд орқали ҳал қилинишига эришилади.

4. АЛОХИДА ШАРТЛАР.

4.1. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Қонунлари асосида ҳал қилинади.

4.2. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди, биринчи нусхаси Ижарага олувчида, иккинчиси Ижарага берувчида сақланади.

4.3. Шартномага ўзгартириш, қўшимча киритиш шартнома тарафлари иштирокида ёзма равишда тузилади ва шартномага илова қилинади.


4.4. Ижара шартномаси 5 йил муддатга, яъни 2 ноябр 2020 йил кунидан то 2025 йилнинг 1 ноябр кунигача бўлган муддатга тузилди ва шартнома 2020 йилнинг 2 ноябр кунидан кучга қиради.

5. Томонларнинг манзилгоҳи ва реквизитлари


«ИЖАРАГА БЕРУВЧИ»

"Багдод киновидео" МЧЖ
Багдод тум. Багдод шаҳарчаси
Орзу кучаси №3
Багдод Халқ Банки МФО 00794
х/р 20208000800223054001

Раҳбар:  Ж.Н.Мадаминов



«ИЖАРАГА ОЛУВЧИ»



Бошқарувчи:  А.Ш.Рашидов

ИЖАРА ШАРТНОМАСИ

2565532
566052

2 ноябр 2020 йил

Багдод тумани

Бизлар ким, бир томондан ижарага берувчи Багдод киновидео МЧЖ рахбари Мадаминов Жахонгир Набиевич, кейинги матнда «Ижарага берувчи» деб юритилади, иккинчи томондан ижарага олувчи АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Қўқон филиали бошқарувчиси А.Ш.Рашидов, кейинги матнда «Ижарага олувчи» деб юритилади, узаро келишув асосида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексининг 573-574-моддалари ҳамда «Ижара туғрисидаги Қонуннинг» талаблари асосида тузамиз.

1. ШАРТНОМА МАҚСАДИ

1.1. Ушбу ижара шартномаси шу хақидаки, «Ижарага берувчи» Багдод киновидео МЧЖ га мулк ҳуқуқи бўйича тегишли булган Багдод тумани Багдод шаҳарчаси Орзу кўчаси №3 бинода жойлашган фойдаланиш майдони 46 (кирик олти) кв.м бўлган биносини 5 (беш) йил муддатга «Ижарага олувчи»га ижарага беради, иккинчи томон ушбу бинони ҳар бир ой учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 12 баравари миқдорида ижара ҳақи тўлаш шарт билан ижарага олади.

2676

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

Ижарага берувчининг ҳуқуқи ва мажбуриятлари:

- 2.1. Ижарага берилган бинони шартнома шартларига жавоб берадиган ҳолатда топшириш-қабул қилиш далолатномаси орқали топширади.
- 2.2. «Ижарага берувчи» курсатиб утилган бинони «Ижарага олувчига» соз ҳолда фойдаланишлиги учун топширади.
- 2.3. «Ижарага олувчи»га ижарага берилаётган бинодан ушбу шартнома шартлари асосида узининг фаолияти мақсадлари учун фойдаланиб келишига шартнома муддати ичида тускинлик қилмайди.
- 2.4. «Ижарага олувчи» томонидан бинодан ўзининг фаолияти мақсадида фойдаланиш даврида бинога урнатган, қонун билан тақиқланмаган инвентарлар, техника воситалари ва бошқа буюм ва ашёларни ижара шартномаси муддати тугаганидан кейин олиб чиқиб кетишига монелик қилмайди.
- 2.5. Ижара муддати тугагач ёки ушбу шартнома бекор қилинганда далолатномага асосан бинони қабул қилиб олади.
- 2.6. «Ижарага берувчи» шартномани муддатидан олдин бекор қилмоқчи бўлса, «Ижарага олувчи» ни 2 (икки) ой олдин ёзма равишда огоҳлантиради ва ижарага олувчини бошқа жойга чиқиб кетишига қадар бинодан фойдаланишига тускинлик қилмайди.
- 2.7. «Ижарага берувчи» шартнома шартларини бузиб ҳамда муддатидан аввал шартномани бекор қилинишини талаб қилганида, «Ижарага берувчи» томонидан бино таъмири учун сарфланган жами маблағларни, «Ижарага олувчи» га тўлиқ қопланишини ўз зиммасига олади.

Ижарага олувчининг ҳуқуқи ва мажбуриятлари:

- 2.8. Ижарага бериладиган бинони шартнома шартларига жавоб берадиган ҳолатда топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан қабул қилиб олади.
- 2.9. Ижарага олган бинони ижара объектини доимий равишда соз ҳолатда сақлайди. Ундан ушбу шартнома шартлари ҳамда амалдаги Ўзбекистон Республикасининг қонунларининг талабларига тулиқ риоя қилган ҳолда ўз фаолияти мақсадида, ҳеч қандай тўсқинчиликсиз фойдаланади.
- 2.10. «Ижарага берувчи»нинг розилигисиз бинони архитектура тузилишини, конструкцияларининг ҳолатларини бузмайди, 46 (кирик олти) кв.м фойдаланиш майдонини қичрайтормайди ва кенгайтормайди, бор ҳолича сақлаган ҳолда фойдаланади.

2676.000